



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 10 июль, № 145 (7647)

Жума

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади. Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга, темир интизом билан, қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ COVID-19 ДАВРИДА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев чоршанба кuni Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг COVID-19 даврида Меҳнат муносабатлари бўйича глобал саммити иштирокчиларига муурожаат йўллади.

Женева саммитида 80 дан ортиқ давлат, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шу жумладан, БМТ, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамағатлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбирни Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер олиб борди.

Олий мартабали муҳомалар қаторида Швейцария Президентини Симонетта Соммаруга хоним, Ирландия Президентини Майкл Хиггинс, Жанубий Корея Президентини Мун Жэ Ин, Колумбия Президентини Иван Дукес Маркес, Германия Канцлери Ангела Меркель, Испания Бош вазири Педро Санчес, Италия Бош вазири Жужепе Конте, Канада Бош вазири Жастин Трюдо, Россия Бош вазири Михаил Мишустин, Польша Бош вазири Матеуш Моравецкий, Покистон Бош вазири Имрон Хон ва бошқалар қайд этилди. Улар миллий, минтақавий ва халқаро даражада пандемия салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича ўз мамлакатларида кўрилатган чоралар тўғрисида маълумот тақдим этди.

ХМТ раҳбари тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев онлайн ташкил қилинган глобал саммит иштирокчиларига муурожаат йўллади.

Давлатимиз раҳбари ўз муурожаатида жорий йил бошидан буён COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал кун тартибидagi энг муҳим масалага айланганини таъкидлади. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирини бевосита ёки билвосита сезмайдиган бирор мамлакат ёки минтақа йўқлигини қайд этди.

Ушбу ва бошқа глобал муаммоларга самарали ечим топиш учун биринчи навбатда қилинган ҳаракатлар зарур. Халқаро меҳнат ташкилоти Глобал саммити ташкил қилиш орқали "соатлари тўғрисида олиш" учун қўлай платформадир.

Пандемия шароитида иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш билан бирга, аҳолининг иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу Халқаро меҳнат ташкилотининг юз йиллик декларациясида белгиланган ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Муурожаатда ХМТ конвенцияларининг миллий қонунчилик ва амалиёт-

да имплементация қилиниши, ҳусусан, уч томонли маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-Конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистонда уч томонлама ижтимоий мулоқот ривожланишига кучли туртки бўлгани қайд этилди.

Пандемия даврида "трипартизм" таъминлаш мувофиқ, инқирозга қарши чораларни ишлаб чиқиш жараёнида бизнес, касаба уюшмалари, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу аҳолининг барча қатлами манфаатларини ҳимоя қилувчи инқирозга қарши дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кафолатидир.

Таъкидланганидек, пандемия барқарор халқаро муносабатларни ривожлантиришда қатор муаммолар борлигини ва фақуллода вазиятларда глобал стратегик ҳаракатлар режасининг йўқлигини намоён қилди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари **БМТ шафелигида Пандемия даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш ташаббусини** илгартирди.

Президентимизнинг фикрича, ушбу кодексда давлатларнинг ўз фуқаролари ва халқаро шериклари олдидаги сивий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар ва инсон ҳуқуқлари соҳаларидаги энг кам шартлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилиши керак.

Хусусан, биринчидан, чеклов чоралари фақат вақтинча, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига мажбурий ривоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Бундай чоралар халқаро савдога, айниқса, тиббий маҳсулотларга, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга тўққонлик қилмаслик бўйича хавфларга мутаносиб бўлиши шарт.

Иккинчидан, пандемиянинг тез тарқалиши тизимли, ўз вақтида ва самарали профилактик чораларни кўриш зарурлигини, шу билан бирга, пандемия эълон қилинган вақтда соғлиқни сақлаш соҳасига ортқича юклар билан юзага келишига йўл қўймаслик кераклигини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

Огоҳлик



Хосен ПИЙОЗОВ олтин суратлар.

ЎЗИМИЗ ЎТИРГАН ШОХНИ ЎЗИМИЗ КЕСМАЙЛИК

Бепарволик, лоқайдлик, карантин талабларига амал қилмасдаги коррупцияга қарши курашда эришилган ютуқларни чиппақка чиқариши мумкин.

Бугун дунё баланд даражадаги шохидидаги полапон индекси қалқиб турибди. Коронавирус деган бало даҳшатли тўзон мисоли ёпирилиб, бу дарахтни тинимсиз тебратмоқда.

Инсониятнинг, жумладан, халқимизнинг келгуси тақдири ушбу офатга қанчалик дош беришига, ҳушёр ва огоҳ, ҳамжихат ва аҳил бўлиб, умумбашарий қадриятлар мустаҳкамлигини — ҳаётий таянчни сақлаб қолишига бевосита боғлиқ.

Кун кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалда бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва енгил қараб бўлмаслиги яна бир бор ўта куюнчалик билан таъкидланди. Одамларимиз "Ўз соғлигини, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!" деган шiorга амал қилиб яшашга чақирилди.

Республика махсус комиссияси қарорига кўра, эпидемиологик вазият кескинлашгани сабабли шу йил 10 июлдан 1 августгача мамлакатимиз бўйича карантин чоралари яна кучайтирилди. Автомобиль ҳаракати чекланди, вилоятлараро автотранспорт қатновлари вақтинча тўхтатилди. Ушбу мuddат давомида буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шуғулланувчи йирик дўконлар, оммавий кўнгилочар масканлар фаолияти,

тўй ҳамда бошқа оилавий маросимлар, оммавий тадбирлар ўтказиш тақиқланди.

Дарҳақиқат, айрим юртдошларимиз бугунги мураккаб вазиятни тўла ҳис этмапти, бу хатар, ҳатто ҳисоблаб бўлмас зарар келтириши мумкинлигини теран англамаяпти. Бепарволик, лоқайдлик, ўзбилармонликка йўл қўйиб, ўзини хавфга дучор этмоқда. Бу ўзи ўтирган дарахт шохини ўзи кесиши билан баробар.

Давлатимиз раҳбарининг халқимиз саломатлигига эътибори, бошқа одамлар ташвишини ўз ташвиши деб қабул қилаётгани, оталарча ғамхўрлиги ҳар биримизнинг руҳимизни кўтариб, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлаш билан бирга, ўзимиз ва ўзгалар саломатлигига масъулиятимизни ошириши шарт.



Муносабат

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИ ОРТИШИНING ЭНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ



Тадбиркорлик соҳаси мамлакат равнақида, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида бу жиҳат янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Чунки кичик бизнес вакиллари одамларни нафақат иш, балки кундалик зарур маҳсулотлар, хизматлар билан таъминлайди. Шундай экан, уларни доимо қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш масаласи ҳам долзарб саналади. Бу йўналишда мамлакатимизда барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мазкур жараёнлар Президентимизнинг эътибори ва назоратида экани диққатга сазовордир.

Жумладан, кун кеча давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумланини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам бир қатор масалалар атрофида муҳокама қилинди. Мухбиримиз йиғилишда иштирок этган айрим мутасаддилар фикрларини ёзиб олди.



Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи

Шерзод КУДБИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида пандемиядан кучли бўлиб чиқилишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қўлай муҳит яратиш эканлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, иқтисодий тармоқларига пандемия таъсирини камайтиришнинг энг фойдали шартларидан бири, шубҳасиз, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Айниқса, кейинги йилларда

тадбиркорлик соҳаси учун берилётган имкониятларни алоҳида қайд этиш лозим. Биргина ўтган йилнинг ўзида солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўрилган аниқ чоралар натижасида бизнес ихтиёрида 12 триллион сўм қолгани шундай сай-ҳаракатлар самарасидир. Эътиборлиси, юртимизда мураккаб шароитга қарамай, ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар кўриш давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилда тадбиркорлар ихтиёрида яна 11 триллион сўм маблағ қилиши кутилмоқда.



Тармоқ ривожини учун «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди

Адхам ИКРАМОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари бугунги кунда бутун дунёда кузатилаётган эпидемиологик вазият мамлакатимиз тадбиркорлари учун ҳам, аҳоли учун ҳам катта хавф туғдиришидан хавотирда. Шу боис пандемия шароитида тадбиркорлик соҳасининг бирорта йўналиши давлат раҳбарининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Бунда Президентимизнинг хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштиришга ва

аҳолининг ўзини ўзи банд қилишга қаратилган қарорини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш йўналишлари 67 тага етди. Саргаронлар, усталар, новвойлар, темирчилар, дуралгорлар, тикувчилар, такси ҳайдовчилари, таржимонлар, дизайнерлар, дастурчилар ва бошқа соҳа вакиллари ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сифатида даромад солигидан озод қилинди. Ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқароларни рўйхатга олиш тизими максимал даражада соддалаштирилди.



Ҳамкорлик

ОСИЁ ПАРЛАМЕНТ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ОНЛАЙН УЧРАШУВИ

Кеча Осиё Парламент Ассамблеяси аъзоларининг видеоконференцалоқа тарзида учрашуви бўлиб ўтди.

Унда бутун дунё коронавирус пандемияси сабабли мисли кўрилмаган синови даврни бошдан кечириётган бир пайтда, халқаро ҳамкорлик ва Осиё Парламент Ассамблеяси аъзолари ўртасида илғор гуруҳлар алмашинуви муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Онлайн мулоқотда COVID-19 инфекциясининг Осиё қитъасида соғлиқни сақлаш, иқтисодий ҳамда бошқа соҳаларга таъсири муҳокама қилинди. Айни чоғда пандемияга қарши курашнинг замонавий усуллари, Осиё минтақаси иқтисодий ва барқарор ва ҳар томонлама қайта тиклаш масалалари чуқур таҳлил қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган тезкор ҳамда муҳим ислоҳот-

лар, ҳукумат махсус комиссияси тузилиб, эпидемияни бартараф этиш учун қатъий чоралар кўрилгани ва ана шу сай-ҳаракатлар қандай самара бераётганини хусусан сўз юритди. Шу билан бирга, пандемиянинг маблағ иқтисодиёти ҳамда аҳолининг даромадлари даражасига салбий таъсирини камайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар олиб борилаётганини алоҳида айтиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда парламент аъзолари, жумладан, Осиё Парламент Ассамблеяси билан биргаликда эпидемиологик назорат тизимини яратиш бўйича самарали чораларни қўллаб-қувватлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, таъшиқ қўйиш ва даволаш борасидаги сай-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда карантиндаги шойлиқни ёрдамни ташвиш учун "яшил йўллар"нинг халқаро ҳуқуқий стандартларини қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Эксклюзив интервью

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ДОИМИЙ МУЛОҚОТ

Ва ҳамкорлик биз учун жуда муҳим

Сўнгги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Эркин ҲАМРОЕВ билан суҳбатимиз мазкур йўналишдаги сай-ҳаракатлар, жумладан, вазирликнинг ҳузурдаги ватандошлар билан ҳамкорлиги ҳусусида бўлди.



Брифинг

КАРАНТИН ЧЕКЛОВЛАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЭТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурдаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Республика махсус комиссиясининг аxbороти юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Олий таълим, Халқ таълими, Мақтабга таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази мутасаддилари қатнашди.

Брифинг журналистларни қизиқтирган масалалардан бири — янги ўқув йилида мактабларда ўқитиш ишлари қандай тартибда олиб борилиши билан боғлиқ бўлди.

Халқ таълими вазирининг қайд этишича, бошланғич синфларда онлайн шаклда таълим юроти самара бермайдми. Шу сабабли вазирлик янги ўқув йилидан мактабларда аънанавий таълимни тиклаш ҳаракатида.

Лекин параллел равишда Вазирлар Маҳкамасининг ало-

ҳида қарори тайёрланмоқда. Унга кўра, болалар ўзи мактабга қатнаган тақдирда ҳам телевидение орқали онлайн дарслар давом эттирилади. Бу таълим самардорлигини оширади.

Таъкидланганидек, мактабларда аввалга таълим тизимини йўлга қўйиш бўйича ҳали бир қарорга келинмаган. Ўқув йили бошланишига яқин қолганда, юртимиздаги эпидемиологик вазиятга қараб бу борада ҳулоса қилинади.



ЎЙДА ҚОЛИНГ!



1 — Эркин Жалилович, тараққиётга эришган давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак, бунда ватандошлар билан йўлга қўйилган алоқалар муҳим ўрин тутушига гувоҳ бўламиз. Учинчи, тан олиш керак, биз узоқ йиллар мобайнида ушбу масалага етарлича аҳамият бермадик. Президент Шавкат Мирзиёевнинг сазой-ҳаракатлари ва ташаббуси тўғрисида охириги тўрт йилда ватандошлар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айтинг-чи, мана шундай прагматик мулоқотнинг муҳимлиги нимада?

— Тўғри айтасиз, ҳозирги вақтда кўплай ватандошларимиз иқтисодий, ижтимоий соҳа, илим-фан, маданият, спорт ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга, уларнинг тарихий Ватани — Ўзбекистоннинг обрўсини ошириш ҳамда унинг ташқи дунё билан муносабатларини мустақамлашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Ватандошлар билан ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли ва мустақам тизимини яратиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилнинг 25 октябрь кунини "Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Польшада 1600 дан ортиқ, Европанинг бошқа давлатларида 1000 дан кўп, Японияда 700 дан зиёд) Ўзбекистонлик талабалар тахсил олмақда.

— Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳамда унинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўишни истаган ватандошлар ҳамда улар томонидан тузилган ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлаш;

— Ўзбекистон ҳудудида ватандошларнинг касбий, шу жумладан, тадбиркорлик, сармоядорлик, илмий, маърифий ҳамда маданий фаолиятини амалга ошириши учун қўлай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

— Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрў-эътиборини янада мустақамлашга ватандошлар салоҳиятини жалб қилиш. Айтиш керакки, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси изчил давом эттирилмақда.

— Маълумки, чет элдаги ватандошларни юртимиз ривожига учун ҳисса қўишига жалб қилиш мақсадида уларга муайян енгилликлар яратиш бериш кўзда тутилган. Ҳўш, ватандошларимизнинг салоҳиятидан фойдаланиш, уларни Ватанга инвестиция қилиришга рағбатлантириш бўйича қандай режалар ишлаб чиқилди?

— 2019 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинган. Мазкур ҳужжатга кўра, ватандошларга тасдиқнома бериш учун имтиёзли тартиб жорий этилган, тасдиқнома олиш учун тўлов миқдори камайтирилган.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ватандошларга мамлакатимиз ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар бериш келинмоқда.

Қолаверса, 2019 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан хорижда яшаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистонга тақлиф этишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органларининг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлиmlарини томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан жорий йил июнь ойида Фарғона вилоятига амалга оширилган ташриф давомида ватандошлар билан тизимли ишлаш бўйича бир қатор вазифалар берилиди.

Шу бўлиш билан бирга, асосий мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярмида Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда хориждаги ватандошларимизнинг инвестицион салоҳиятини, уларнинг билим ҳамда тажрибасини Ўзбекистондаги тараққиёт жараёнига жалб қилиш, шу орадан инвесторлар, малакали мутахассислар, халқаро ташкилотлар вакиллари, олим ва талабалардан иборат "Олтин дафтар" реестрини шакллантириш, уларга муайян енгилликлар яратиш бериш режалаштирилган.

— Пандемия даврида Ватанга қайтиш истагида бўлган юрtdошларимиз билан боғлиқ айрим муаммолар юзага келгани ҳақида ижтимоий тармоқларда кўплай мурожаатлар пайдо бўлди. Айтинг-чи, Ўзбекистонга қайтишни истаган

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси оқибатида қийин аҳволда қолган Россия Федерациясидан Ўзбекистон фуқароларига бир мартлик моддий ёрдам тўланадиган "Меҳр" лойиҳаси жорий қилинди.

Мазкур маблағларнинг асосий қисмини элчиликнинг махсус очилган ҳисоб varaига ҳомийлар томонидан тушган маблағлар ташкил этади. Тўловлар қуйидаги тоифадаги фуқароларга ажратилмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлганлар, қарамоғида 2 ёшга

Бундан ташқари, Жанубий Корея, Россиядаги элчилик ҳамда консуллик муассасаларинида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг вакиллари ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Ҳозирги кунда агентлигининг Туркия, Латвия ва Финляндияда ваколатхоналарини очиб бўйича музокаралар олиб бориляпти.

Вактинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Россия Федерациясига борган, ammo мавжуд чекловлар сабабли ишсиз қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг ваколатхоналари консуллик округи ҳудудида Меҳнат вазирликлари, давлат меҳнат инспекциялари, бандлик қўмақлашчи марказлари ҳамда ишчи кучига эҳтиёжи бўлган турли корхона ва ташкилотлар билан доимий равишда музокаралар ҳамда ҳамкорлик ишларини олиб боришмоқда.

Қолаверса, ваколатхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ўз меҳнат фаолиятларини давом эттираётган давр мобайнида, уларнинг мослашишлари, ишга жойлашиш, ҳаётий қийин вазиятга тушиб қолган тақдирда меҳнат мигрантларига ўз вақтида зарурий ёрдам кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида "Россия мигрантлари федерацияси" (Федерация мигрантов России) жамоат ташкилотининг худудий бўлиmlарини билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатхоналари томонидан бир неча бор юборилган йўл-таҳлил маълумотларда "Работа в России" электрон портали нафақат Ташқи меҳнат миграция агентлиги тизимида, балки хорижда ишлаш истагидан фуқаролар учун очик бўлиб, тўлиқ ишга туширилиши кераклиги таъкидланган. Ўз навбатида, ушбу электрон портал Россия меҳнат бозорини, унинг доимий ва ўзгарадиган талабларини таҳлил қилишда ҳамда чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагидан бўлган фуқароларни касбий йўналтирилишида имконият бериш маълум қилинган.

Ҳозирги кунда Россия Федерацияси ҳудудида карантин чоралари босқичма-босқич юмшатилаётгани боис ушбу давлатда меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида бўлган фуқаролар Бош консулхоналарга бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотни олиш учун мурожаат қилишмоқда.

Ишлаш истагидан фуқароларга "Работа в России" электрон платформаси орқали иш излаш имконияти мавжудлиги, ушбу платформа ёрдамида фуқаронинг яшаб турган ҳудудда бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларни доимий равишда олиш имконияти маълум қилинмоқда.

Шунингдек, бошқа мамлакатлардаги меҳнат мигрантларининг ақсарияти хорижий пандемия шароитида Ватанга қайтиш ниятини билдирганини ҳам айтиш ўринлидир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ташқи ишлар вазирлигида ҳам консуллик хизматларини масофадан туриб, яъни интернет усулда амалга ошириш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, айтиш керакки чет элда фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга "Ўзбекистонга қайтиш гувоҳнома"ни расмийлаштириш, чет элда яшаб турган фуқароларимизга доимий ёки вақтинчалик консуллик рўйхатидан ўтиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, кейинги босқичда фуқаролик ҳолатлари (туғилиш, никоҳ ва бошқа гувоҳномалар) бўйича онлайн хизматлар йўлга қўйилди.

✓ Мавжуд маълумотларга кўра, бугунги кунда хорижий давлатлардаги Ўзбекистон фуқароларининг сони 2,5 миллиондан ортиқ.

✓ Хорижий мамлакатларда 49 000 дан ортиқ ўзбекистонлик талабалар тахсил олмақда.

✓ Бугунги кунда чет элдаги ваколатхоналаримиз томонидан ҳомийлик маблағларини жалб қилган ҳолда 43 мингдан зиёд фуқароларимизга молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

нилмоқда. Шулар қаторида, Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан доимий авиақатновларни вақтинча тўхтати.

Чет эллардаги Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган фуқароларимизнинг ўша давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан тегишли рўйхати шакллантирилиб, Республика махсус комиссиясининг қарорига асосан, чартер рейслар орқали республикамизга олиб келинмоқда. Шу кунга қадар 89 182 нафар (шундан 27 348 нафари чартер рейслар, 1 245 нафари темир йўл қатновлари ва 60 589 нафари автотранспорт орқали) Ўзбекистон фуқароси республикамизга қайтарилди. Айтиш керакки, 90 мингга яқин фуқароларимиз Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган ва тегишли рўйхатга кирилган.

Ўз навбатида, Россия, Туркия ва бошқа айрим давлатларда COVID-19 пандемияси билан боғлиқ карантин чоралари босқичма-босқич енгиллаштирилаётгани боис ушбу давлатларга меҳнат мигранти сифатида кетган фуқароларимиз йўл жойларига қайтмоқда ва Ўзбекистонга қайтиш қарорини ўзгартирмоқда.

— Коронавирусга қарши курашда хориждаги ватандошларимиз ҳам ўз ёрдамини бераётганини кўриб, эшитиб туришимиз. Мана шу саховат ишларида қайси давлатлардаги ватандошларимизнинг алоҳида эътироф этган бўлардингиз?

— Бу кўринмас "ёв"га қарши курашда кимдир алоҳида эътироф этиш унчалик ҳам тўғри бўлади, деб ҳисобламаймиз. Чунки ушбу пандемия тўғрисида қийин ва ночор аҳволга тушиб қолган фуқароларимизга хориждаги барча саҳий ватандошларимиз, ҳомийлар, ишбилармон доиралар вакиллари маблағлари ҳамда дипломатик ваколатхоналардаги ҳодимларимиз ўз ҳисобларидан кўмак берилмоқда.

Шу кунга қадар 89 182 нафар (шундан 27 348 нафари чартер рейслар, 1 245 нафари темир йўл қатновлари ва 60 589 нафари автотранспорт орқали) Ўзбекистон фуқароси республикамизга қайтарилди. Айтиш керакки, 90 мингга яқин фуқароларимиз Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган ва тегишли рўйхатга кирилган.



Ушбу ҳужжат асосида Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси ва улар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Асосий мақсад — ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат томонидан уларни рағбатлантириш, салоҳиятларини мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашга, давлатимизнинг халқаро нуфузини янада мустақамлашга жалб қилишдир.

Мавжуд маълумотларга кўра, бугунги кунда хорижий давлатлардаги Ўзбекистон фуқароларининг сони 2,5 миллиондан ортиқ (Россия Федерациясидан 1,5 млн.дан, АКШдан 100 мингдан, Қозғоғистондан 140 мингдан, Қирғизистондан 13 мингдан, Тожикистондан 5 мингдан зиёд, Европа давлатларида 50 минг, Японияда эса 4 мингга яқин).

Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда 49 000 дан ортиқ (Россия Федерациясидан 17 488, Қозғоғистондан 17 000 дан зиёд, Жанубий Кореяда 10 000 га яқин,

— Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясидан қўзланган мақсад ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур концепция — давлатнинг ушбу йўналишдаги сиёсатининг принциплари, мақсадлари ва механизмларини намоён этадиган қарашларнинг ягона тизимидир.

Ҳужжатнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

— халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, истиқомат қилаётган мамлакатнинг қонунилари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида чет эллардаги ватандошларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

— Ўзбекистон маданий, илмий ҳамда маънавий меросини кенг тарғиб қилиш, уни дунёда урганиш ва оммалаштириш, истиқомат қилаётган мамлакатларда ўзбек тилини, маданиятини ҳамда аъёналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган

тўламан фарзанди бор ҳамда ҳомиладорлик муддати 7 ойдан ошган аёллар, COVID-19 ташхиси тасдиқланган фуқаролар ҳамда Россия олий таълим муассасаларининг кундузги таълим шаклида тахсил олаётган талабалар.

Шу каби хайрия ақциялари Ватанимизнинг хорижий давлатлардаги барча дипломатик ва консуллик муассасаларининг кундалик иш фаолиятига айланиб улгурган.

Бугунги кунда чет элдаги ваколатхоналаримиз томонидан ҳомийлик маблағларини жалб қилган ҳолда 43 мингдан зиёд фуқароларимизга молиявий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу ўринда ҳозирги вақтда чет элда бўлиб турган фуқароларимиздан сабр-тоқатли бўлишни ва ўзлари турган давлатлардаги карантин қондаларига қатъий риоя қилишларини яна бир бор сўраб қоламиз.

— Ватандошлар ҳақида сўз юритганда меҳнат мигрантлари хусусида алоҳида тўхталишимиз табиий. Бугунги кунда энг кўп меҳнат мигрантлари Россия Федерациясидан фаолият юратяпти. Уларга қўлайлик ва енгилликлар яратишда яна қандай янгилликлар бўлиши мумкин? Бошқа мамлакатларда меҳнат қилаётган юрtdошларимиз аҳоли қандай?

— Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Россия ҳудудига, жумладан, Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Владивосток, Қозон, Ростов-Дон, Новосибирск шаҳарларида ҳамда Қозғоғистон ҳудудига — Нур-Султон, Олмаота, Оқтау шаҳарларида дипломатик ва консуллик ваколатхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Шу билан бирга, Қозғоғистондаги Саригаҳ ҳамда Россия Федерациясининг Тула, Самара ва Саранск шаҳарларида Бош консулхоналарини очиб масалалари ҳалб қилинмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЭЪЛОН

SANOAT QURILISH BANK

2019 йил якуни бўйича акциядорлар йиллик умумий йиғилиши тўғрисида ХАБАРНОМА (масофадан)

Ҳурматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган (корпоратив веб-сайт: www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz), сизга 2020 йил 29 июль кунини соат 11.00 да **масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати** <http://evote.uz/> орқали банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида қатнашишингиз мумкинлигини маълум қилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. Банк кенгаши ва бошқарувининг йиллик ҳисоботини, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўйилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Банк тафтиш комиссиясининг ҳулосасини эшитиш.
3. Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банкда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ва унинг натижаларига кўра, 2019-2020 корпоратив йил якунларига кўра кенгаш аъзоларига мукофотнинг қолган қисмини тўлаш даражасини белгилаш.

5. Банк фойдасини тақсимлаш ва ҳар бир кенгаш аъзосига корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ҳамда компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
6. 2020 йил 9 июнда бўлиб ўтган банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида сайланган банк кенгаши аъзоларининг ваколатларини ўзайтириш.
7. Банк тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
8. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга тузиш/ўзайтириш.
9. 2020 молия йили бўйича банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
10. Банк кенгаши тўғрисидаги низома киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
11. Банк кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш ва компенсация тўлаб бериш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш.
12. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ тизимида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тартибини тасдиқлаш.

- Акциядорларга йиллик умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: 2020 йил 9 июль.
- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2020 йил 23 июль.
- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишга оид ҳужжатлар билан банкнинг www.uzpsb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишишингиз ёки info@uzpsb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (<http://evote.uz/>) фойдаланган ҳолда 2020 йил 29 июль, соат 10.00 да бошланиб 11.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 IP:13-30, 94-711- 13-75.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғи — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛҲАТЛАР ТАҚРИБ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Солиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6